

Тўрт фасл қандай юзага келади?



11:30 / 13.03.2022 3771

Ер ўз ўқи атрофида бир сутка давомида ўнг томонга 23.43 даража оғиш билан айланади. Ер айланиш ўқининг ана шу оғиши фасллар ўзгаришининг асосий сабабидир. Бунинг натижасида куну туннинг ўзгариш ҳолати юз беради.

Ер шари икки қисмга – шимолий ва жанубий яримшарга бўлинади.

Декабрь: Қуёш нурлари экватордан жанубга перпендикуляр тушади, шу сабаб бу вақтда ёз жанубда, қиш эса шимолда бўлади.

Март: Қуёш нурлари экваторга нисбатан перпендикуляр тушади, шу сабаб куз ер шарининг жанубида, баҳор бўлса шимолга тўғри келади.

Июль: Қуёш нурлари экватордан шимолга перпендикуляр, шу сабаб қиш бу вақтда ер шарининг жанубида, ёз эса шимолда бўлади.

Сентябр: Қуёш нурлари экваторга нисбатан перепендикуляр тушади, шу сабаб, баҳор ер шарининг жанубида, куз бўлса шимолда бўлади.

Манба: arabicuz